O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 9-fevral • Seshanba • 17 (30.137) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

...Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади».

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Устувор мақсадлар дастури

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидан кейинги ўйлар

ЧУҚУР ТАҲЛИЛ

Ушбу мўътабар анжуманда иштирок этар эканман, Президентимизнинг маърузасини тинглаш жараёнида ундаги чуқур таҳлил мени ҳайратга солди, ўйга толдирди.

Юртбошимиз бўлиб ўтган сайлов якунлари ҳақида фикр юритар экан, сайловлар ўз навбатида жамиятимизнинг ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўйганини яна бир бор тасдиқлаганини уқтириш билан бир қаторда, жамиятимизда рўй бераётган буюк эврилишлар халқимиз тафаккурида ҳам намоён бўлаётганини қуйидаги мулоҳазаларда алоҳида таъкидлади:

«Бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди».

Мамлакатимиз раҳбари Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг янги таркибининг бўлғуси вазифаларига тўхталишдан олдин Олий Мажлиснинг ўз ваколатларини тугатган ҳар икки палатаси аъзолари фаолиятига холис баҳо бериб, улар иштирокида 250 дан зиёд қонун қабул қилингани ҳақида таъкидлади:

«Бугун шу борада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, айтиш мумкинки, парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қуйи палатаси ва худудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди».

Президентимизнинг чуқур таҳлилга асосланган мулоҳазаларидан келиб чиқиб, шу нарсага амин бўлдимки, мамлакатимизда қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинишининг самараси сифатида халқимиз ҳақ-ҳуқуқи ҳимояси мустаҳкамланиб, турмуш фаравонлиги узлуксиз ошиб борди. Айниқса, 2009-2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.

2-бет >>

Қонун устуворлигини таъминлаш йўлида

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлиб ўтган йиғилиш давлатимиз раҳбари томонидан суд органлари ходимлари олдига қўйилган вазифалар ва уларнинг ижросига бағишланди.

Йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Бу борада қабул қилинган қонунлар асосида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди.

Жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалий ифодаси суд-ҳуқуқ тизимида, хусусан, суд органларида хизмат қилаётган ходимларнинг масъулиятига ҳам боғлиқ. Зеро, уларнинг фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, бошқача айтганда, жамиятда қонун устуворлиги тамойили тўла амалга оширишга хизмат қилади. Тадбирда бу борада суд органлари олдида турган вазифалар, соҳани янада такомиллаштириш борасида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар хусусида фикрлашилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари М.Ражабова сўзга чиқди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Бош муҳаррирлар ўқуви



2

Қорнинг қалинлиги 2 метрдан ошди

3

Буюк шоирнинг Самарқанддаги қадамжолари



4

...«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ ажратиш мўлжалланган.

«Сиёсий қарашларим партия Дастурига ҳамоҳанг»

Мен нега ЎзХДПни танладим?

Хўжайли туманида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ободонлаштириш ишларида бугун кўплаб ютуқларга эришилмоқда. Бу борада партия аъзолари, электоратининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Воҳада партия сафи ёшлар ҳисобига кундан-кунга кенгаймоқда. Чунки, ХДПга аҳолининг ишончи тобора ортиб бормоқда.

— 33 та бошланғич ташкилотга 1555 нафар партия аъзоси бирлашган, — дейди Хўжайли туман партия кенгаши раиси Қувват Қурбонбоев. — Шулардан 822 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. — Январь ойининг биринчи ярмида партия аъзолари сони 10 нафарга ортди.

2-бет >>

Бугун Алишер Навоий таваллуд топган кун

Миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси

Миллат даҳолари, одатда, офтобга қиёс қилинади. Зеро, қуёш барчага бирдек нур таратиб, зиё бағишлагандек, улар ҳам дунёни бемисл илмий-ижодий фаолияти билан доимо нурафшон этади. Ўлмас сўз санъаткори, нафақат ўзбек, балки жаҳон мумтоз адабиётининг етук намояндаси Алишер Навоий бобомизнинг қолдирган бебаҳо маънавий меросини қанчалик ўрганмайлик, тадқиқ этиб мағзини чақмайлик, ушбу ноёб хазинадан ҳар қанча баҳраманд бўлмайлик, эзгуликка, маърифатга ташна кўнглимиз уни яна ва яна қўмсайверади.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг асосий кутубхонасида буюк мутафаккирнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий илмий анжуманнинг 54-йиғилиши ўтказилди. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу бадиий кечада юртимизнинг таниқли навоийшунос олимлари, шоир ва ёзувчилар, ёш тадқиқотчилар, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлишди.

4-бет >>

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

Жиззах гиламлари

Жиззах вилоятида фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. «Evroasia Carpet» Ўзбекистон — Туркия гилам фабрикасида айни пайтда 76 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Гилам ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланган полипропилен, синтетик ва жун иплар Туркиянинг «Acksoz iplik» фирмаси томонидан етказиб берилаяпти.

Жиззаҳда ишлаб чиқарилаётган гиламларнинг бир қисми мамлакатимиздаги элликдан зиёд тадбиркорлик субъектларига шартнома асосида берилмоқда, қолганлари эса савдо дўконларига чиқарилмоқда.

— Корхонамиз замонавий хориж технологиялари асосида ишлайди, — дейди гилам тўқиш цехи ишчиси Лобар Тўрақулова. — Биз тўқиётган сифатли, ранго-ранг, ёрқин, бежирим гиламларга талаб кун сайин ошиб бораётир. Ишимиз ўзимизга ёқади. Қанча кўп сифатли маҳсулот ишлаб чиқарсак, оладиган даромадларимиз ҳам шунга яраша ошади.

Йил охиригача қўшма корхона тамғаси билан 600 минг квадрат метр ҳажмда гилам маҳсулотлари тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

660 та янги уй қурилади

Сурхондарё вилоятида уй-жой қурилишига катта эътибор берилмоқда. Айни кунларда Термиз туманидаги «Лимонзор», Жарқўрғон туманидаги «Оқ тепа» ҳамда Шерободдаги «Сеплон» қишлоқларида бунёд этилаётган 60 та турар-жой биноларида қурилиш ишлари авжида.

Амалдаги йилда эса намунавий лойиҳалар асосида вилоятнинг 14 та туманида яна 660 та ана шундай уйлар қуриш кўзда тутилган. Уларда электр энергияси, табиий газ, тоза ичимлик суви ва бошқа шароитлар тўлиқ яратилиши мутахассислар эътиборида. Замон талабларига мос бундай кўркам иншоотлар қишлоқларимиз кўркига-кўрк қўшади, аҳоли турмушини фаровон этади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Устувор мақсадлар дастури

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидан кейинги ўйлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳаммамиз билишимиз лозим бўлган қуйидаги рақамлар эса бутун дунёда кечаётган иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда Президент бошчилигида инқирозга қарши қабул қилинган чоралар дастурининг нақадар аҳамиятли ва самарали бўлганига яққол исботдир: 2009 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошди. Ташқи савдонинг ижобий сальдоси 2,3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Ўртача ойлик даражасини ўсиши 40 фоизга, аҳоли даромадлари эса 26,5 фоизга кўпайди. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ **мамлакатимиз ўтиш давридан ўсиш даврига қадам қўйганидан далолатдир.**

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай муваффақиятга эришиш ўз-ўзидан рўй берди, десак, янглиш фикрлаган ва масалага ўта жўн ёндашган бўламиз. Бу ютуқларга эришишимизда нафақат инқирозга қарши чоралар дастури, балки мустақилликнинг илк йилларида Президентимиз томонидан яратилган ўзбек давлатчилик тамойилларининг назарий асосларидаги беш тамойил, айниқса, давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги, иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги ҳамда ижтимоий ҳимоя мезонлари, хусусан, ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун, унинг бахт-саодати учун деган принциплар асосий омил бўлганлигини эътибордан соқит қилмаслигимиз жоиз.

ТАНҚИДИЙ РУҲ

Президентимиз маърузасидаги яна бир муҳим жиҳат бу танқидий руҳ бўлиб, мамлакатимиз раҳбари Қонунчилик палатаси фаолиятида қонун ижодкорлигининг сустлиги, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга эмаслиги, қонун ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, бу борада етарлича фаоллик кўрсатмаётгани, чунончи, кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилгани ҳақли равишда танқид остига олинди ҳамда қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, сайловолди учрашувларимизда сайловчилар томонидан билдирилган жиддий эътирозлардан бири бу — депутатларнинг сайловчилар билан алоқаси мустаҳкам эмаслиги юзасидан бўлган эди. Президентимиз ўз маърузасида худди мана шу масалага эътибор қаратиб, биздан ўз сайлов округимизда тизимли фаолият кўрсатишимизда сезиларли ўзгариш ясашимизни талаб этди. **«Айнан ана шундай фаолият,** — деб таъкидлади Президентимиз, — **қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётганини, хўжалик юритиш амалиётида бугунги кунда қандай қонунларга эҳтиёж борлигини, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон берган бўларди».**

Дарҳақиқат, бу эътироз ва таклифлардан тўғри хулоса чиқарсаккина, ўз фаолиятимизни тўғри йўлга солган, сайловчиларимиз ишончини қозониш йўлида амалий қадам қўйган бўламиз.

Шуни чуқур ҳис қилган ҳолда биз худди мана шу хусусда зудлик билан фракция йиғилишини ўтказиб, ўтган даврдаги йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш, қонунлар муҳокамасида фаол иштирок этиш, қонунчилик ташаббуси билан янги-янги қонунлар ишлаб чиқиш, айрим қонунларга янги давр нуқтаи назаридан қараб, ўзгартишлар киритиш, ўз электоратимиз, сайловчиларимиз билан бўлган учрашувлар чоғида улар томонидан билдирилган таклифларга катта эътибор қаратиш, электоратни ўйлантираётган муаммоларга ечим топиш борасида фаол ҳаракат қилишга келишиб олдик.

ҚЎШНИНГ ТИНЧ, СЕН ТИНЧ

Айтайлик, тананинг бир жойида бирон-бир жароҳат пайдо бўлса, тананинг бошқа жойи ҳаловатда бўлмайди. Шу маънода минтақамиз тинчлиги, хавфсизлиги бу ҳудуддаги барча давлатларга бир хилда аҳамиятли экани ҳеч кимга сир эмас. Афғонистондаги бесаранжомлик, нотинчлик унга қўшни бўлган давлатларни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Шу боисдан ҳам бу масалага Ўзбекистон раҳбарияти доим диққат-эътибор қаратиб келмоқда. Президентимизнинг қўшма мажлисда Афғонистон масаласига алоҳида тўхталиб ўтиши ҳам буни тасдиқлаб турибди. Бу ҳудудда барқарорликка эришиш ҳамон муаммо бўлиб турганлигига сабаб можороларни фақат қурол воситасида ҳал этишга уринилаётгани яна бир бор таъкидлаб ўтилди:

«Афғонистондаги мураккаб вазиятни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарлардан муҳим амалий ташаббусларни доимий равишда баён қилиб келмоқда. Айниқса, НАТО/СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр биринчи бўлиб ўртага қўйилган ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклиф илгари сурилган эди. Бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатлар, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилади».

Президентимиз жафокаш афғон халқига иқтисодий ёрдам бериш ҳақидаги фикрни олға сурар экан, мамлакатимизнинг ҳозирги вақтда қўшни Афғонистонга бераётган беғараз ёрдамига тўхталиб, 2010 йилда Ўзбекистон бу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдорини ўтган йилларга нисбатан 6 баравар оширгани, «Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф» темир йўли қурилиши йил охиригача якунига етказилиши ҳақидаги фикрлари айрим давлатлар ўз муаммолари ечимини қидириб, бош қотириб турган молиявий инқироз шароитида Ўзбекистон ўзидан орттириб, ён-атрофидаги давлатларга ҳам мадад қўлини чўзаётганидан далолат беради.

Бу ўринда шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон нафақат ўз ҳудуди, балки минтақа, қўйингки, бутун дунёда тинчлик жарчиси, хавфсизлик ташаббускори бўлиб чиқаётгани қувонарлидир. Зеро, тинчлик, осойишталикни халқимиз энг олий неъмат сифатида қадрлайди. Шу боис ҳам Президентимиз яна бир карра парламентга тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида катта масъулият юклагани бежиз эмас.

АНИҚ МАҚСАДЛАРГА ЙЎЛЛАНМА

Мамлакатимиз раҳбари янги парламентнинг янги вазифалари ҳақида гапирар экан, умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатдаги лойиҳалар ва ҳар қайси партия ёки ҳаракатнинг аниқ мақсадли вазифаларини ўзида мужассам этадиган дастурларни тақдим этган ҳолда фаол иш олиб бориш даври келганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Депутатлик назорати, яъни қабул қилинган қарорларнинг жойларда қандай бажарилаётгани устидан назорат ўрнатиш, тегишли раҳбарларнинг бу ҳақдаги ҳисоботларини эшитиш, фракция, қўмиталар позициясини аниқ белгилаб олиш, пухта, узоқни кўзлаб белгиланган Дастурга эга бўлиш сингари кўрсатмалар ҳам бизга ўз йўналишимизни белгилаб олишда муҳим йўлланма бўлиши табиий.

Президентимизнинг **Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар тарғиботчисига айланишга эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур,** — деган талабларидан келиб чиқиб, ўз фаолиятимизни янада кучайтириш мақсадида парламентдаги ЎзХДП фракцияси янги қабул қилинган қонунларни тарғиб этиш билан боғлиқ ишларни йўлга қўйишда аниқ дастурга эга бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Биз депутатлар одамлар ишончига сазовор бўлдик, элнинг назарига тушдик. Эндиги вазифамиз эса мана шу билдирилган юксак ишончни оқлаш учун чин дилдан, виждонан ҳаракат қилишдир.

Қўшма йиғилишда Президентимиз томонидан олға сурилган фикрлар барча депутатлар учун устувор мақсадлар Дастури бўлиб хизмат қилади.

Зиёвиддин МАНСУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Мен нега ЎзХДПни танладим?

«Сиёсий қарашларим партия Дастурига ҳамоҳанг»

(Давоми. Боши 1-бетда)

— ХДП ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар манфаатларини кўзлаб, уларнинг фикрларини ўрганиб фаолият кўрсатмоқда, — дейди туман агросаноат компанияси ходимлари касаба уюшмаси раиси Мирзамурат Оразшаев. — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам партия фаоллари, депутатлар қишлоқ ва овулларни ободонлаштириш, аҳоли турмушини яхшилашга муносиб ҳисса қўшди.

Суратда: туман партия кенгаши раиси Қувват Турғунбоев 15-мактаб ўқитувчиси Зулфия Аламиновага партия билетини топширяпти.

Партия ташкилотлари тарғибот-ташвиқот ишларининг шакл ва услубларини янада такомиллаштириш, фуқаролар орасида маънавий, сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида сиёсий ўқувлар ўз самарасини бермоқда. Аҳолини қийнаб келаётган кўплаб масалалар ечими Жамоатчилик қабулхоналари орқали ижобий ҳал этилмоқда. Ўз электоратини фаол қўллаб-қувватловчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи тамойилга таянгани учун айнан шу партияни танладим.

— 2006 йилнинг март ойидан буён партия аъзосиман, — дейди 15-мактаб тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Ойбек Рейимбоев. — Ўзбекистон Халқ демократик партиясини танлашимга сабаб, у боқувчисини йўқотган, ногирон, кўп болали, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар манфаатини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратади. Шунинг учун ҳам бу сиёсий кучни қўллаб-қувватлайман. ХДП биз, ўқитувчилар манфаатларини ҳимоя қилаётгани ҳам танловимга асос бўлган. Қолаверса, бу партия Дастурида хотин-қизларни иш билан таъминлашда касаначиликни такомиллаштириш, ривожлантириш масалалари илгари сурилган. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида бандлик, янги иш жойларини ташкил этиш, ишсизларни иш билан таъминлаш каби долзарб масалалар ечимига асос бўлади.

— Ёшларни соғлом, баркамол, ҳар тамонлама етук шахс қилиб тарбиялаш ЎзХДП Дастуридан алоҳида ўрин эгаллаган, — дейди Қорақалпоғистон давлат университети магистранти Дилфуза Авезжанова. — Уларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмак бериб келади. Партия қошидаги «Истиқбол» ёшлар қанотининг фаолияти айнан шу масалаларга йўналтирилган. Мен ҳам шу партия сафида туриб, олган билимларим, амалий ишларим орқали мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҳаёти

Таълим даргоҳига компьютер

Бухоро вилоят партия кенгаши Ғиждувон туманида Баркамол авлод йили мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ўтказди. Вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, уларнинг замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама етук шахслар этиб вояга етказиш учун мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, ушбу улуғ мақсад йўлида партия ташкилоти олдида турган вазифалар ҳақида тўхталди.

Давра суҳбатида сўз олган Бухоро нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи директори, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, партиямиз фаоли Замир Адизов мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида тўхталди.

— Бу йил амалга ошириладиган ишлар кўлами кенг, — деди у. — «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорда таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар, электрон дарсликлар, мультимедия воситаларини кенг жорий этиш ҳақида алоҳида сўз юритилган. Бу ишларнинг такомиллашиши ўқитиш сифатининг тубдан яхшиланишига хизмат қилади.

Давра суҳбатида иштирок этган партиямиз фаоллари — 5-мактаб директори Ғолиб Нуфатов, кекса муаллималар Роза Олимова, Зулфия Нуриддинова ва бошқалар ёш авлодни нафақат маънан, жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш, янги спорт мажмуаларини кўпайтиришнинг нақадар муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратдилар.

— Бундай учрашув ва юзма-юз мулоқотлардан биз, ёшлар катта маънавий озуқа оламиз, — дейди Маҳлиё Душамова. — Мактабимизда ўқиган собиқ ўқувчи бугун Олий Мажлис Сенатида бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қила оладиган қонунлар қабул қилишда иштирок этаётганидан ғурурланамиз. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар аввало касб танлаши, чуқур таълим олиши ҳақида меҳмонларнинг фикр-мулоҳазаларини тингладик.

Давра суҳбати якунида Баркамол авлод йили муносабати билан Замир Адизов мактаб жамоасига сўнгги русумдаги компьютер топширди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жараён

Бош муҳаррирлар ўқуви



Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлимининг ҳамкорликдаги лойиҳаси асосида Фарғона вилоятидаги босма оммавий ахборот воситалари раҳбарлари учун «Муҳаррирлик маҳорати» мавзуида ўқув семинари ўтказилмоқда. Унда вилоятдаги 30 та нашрнинг бош муҳаррирлари иштирок этмоқдалар. Машғулотларни республикамиз олий ўқув юртларининг журналистика соҳасидаги таниқли олимлари, вилоят ҳокимлиги, адлия, иқтисодиёт, Давлат солиқ бошқармалари раҳбарлари олиб боряпти. Семинар давомида газетачиликнинг ташкилий масалаларидан то ижодий ёндашувнинг ўзига хослигигача бўлган 15 дан зиёд мавзуда амалий машғулот, баҳс-мунозаралар кўзда тутилган.

— Биз Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини диққат билан ўргандик. ОАВ ҳақида билдирилган фикрлар бизга катта масъулият юклади. Соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган норматив ҳуқуқий механизмларни яратиш тўғрисидаги фикр кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди, — дейди «Фарғона ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Алишер Ибодинов. — Бундай эътибор ва ғамхўрлик биз журналистларга янги куч-қувват, масъулият юклайди.

— Журналистикада бўлгани каби муҳаррирлар сафи ҳам янгиланиб, ёшариб бормоқда. Матбуот нашрига раҳбарлик эса ўта масъулиятли иш. Ҳар қандай яхши журналист ҳам яхши раҳбар бўла олмайди. Шунинг учун мазкур ўқув-семинарнинг ташкил этилгани биз, ёш муҳаррирлар учун алоҳида аҳамиятга эга, — дейди «Жамият ва саломатлик» газетаси бош муҳаррири Умид Жабборов.

— Шуни айтиш керакки, «Муҳаррирлик маҳорати» мавзуидаги ўқув-семинари илк бор ўтказилмоқда, — дейди Жаҳон тиллари университети кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор Файзулла Мўминов. — Биз мавзуларни танлаш ва унга тайёргарлик кўриш чоғида профессионал журналистлар аудиториясини ҳисобга олдик. Шу боис, ҳар бир мавзу қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтяпти. Бу масалага ёндашув, муносабат турлича экани, муҳаррир изланаётганидан далолатдир.

Кун тартибидаги муҳим мавзулардан бири тажрибали бош муҳаррирларнинг иш фаолияти тақдимотидир. «Фарғона ҳақиқати», «Бувайда кўзгуси», «Яйпан овози» каби ҳокимлик муассислигидаги ҳамда хусусий газеталарнинг бош муҳаррирлари орттирган тажрибалари ҳақида интерфаол усулда машғулотлар ташкил этадилар.

— Мени аввалига 30 та бош муҳаррир йиғилгандан кейин машғулотлар зерикарли бўлармикан, деган шубҳам бор эди. Ташкилотчилар пухта тайёргарлик кўрган эканлар. Маърузалар ҳам, баҳс-мунозаралар ҳам интерфаол усулда ғоят қизиқарли ўтмоқда, — дейди «Водий оқшоми» газетаси бош муҳаррири Назиржон Ҳошимов. — Масалан, «Бувайда кўзгуси»да беш минг нусха обунани таҳририятнинг ўзи қилгани, газетани почта ва матбуот тарқатувчи идораларга мукобил равишда шартнома асосида ёшларни соатбай ишга олиб, ўқувчига етказиб бераётган тажрибаси мен учун янгилик бўлди.

— Мамлакатимиздаги ОАВларининг 90 фоизга яқини вилоятларда фаолият кўрсатяпти. Шунинг учун ҳам бу каби ўқув семинарни айнан вилоятда ташкил этгани учун унинг ташкилотчилари миннатдорчилик билдирамиз, — дейди «Фарғона тонги» газетаси бош муҳаррири Рустамжон Орипов. — Ўйлайманки, бу эзгу иш анъанага айланади.

Ўқув машғулотлари барча техник шарт-шароитларга эга бўлган, Фарғона туманининг тоғ бағирларида жойлашган «Чимён» санаториясининг конференция залида ўтказиляпти.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унинг иштирокчилари бир ҳафта мобайнида «Чимён» санаторийсида яшайдилар, ўқув машғулотлари билан бирга соғломлаштириш дастури бўйича даволаняптилар.

Маҳиёра БОЙБОБОЕВА,
Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

Ижтимоий ҳимоя

«2009 йилда инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга — янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини алоҳида қайд этиш зарур», дея таъкидлади давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда. Масалага шу нуқтаи назардан қарасак, Навоий вилоятида ҳам қатор ижобий ишлар қилинганини кўрамиз.

Касаначилик — бандлик ва янги иш ўринларидир

Бугун вилоятда 20 га яқин у ёки бу саноат корхонаси бўлса, ана шуларнинг ҳаммаси аҳоли бандлигини таъминлаш, уй бекаларига касаначиликни таклиф этиш, якка тартибдаги пудрат ва ижара шартномаси асосида туркум маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олган.

Масалан, биргина Навоий «Азот» очиқ акциядорлик жамиятининг ўзида янги очилган цехлар, қўшимча бўлимлар эвазига кейинги икки йилда минглаб янги иш ўринлари яратилган бўлса, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятида бултур 500 га яқин турдош иш ўринлари барпо этилди. «Электрокимё» корхонасида ҳам йодланган ош тузи ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда кўплаб янги иш ўринлари ташкил топди. Карманадаги пиллани қайта ишлаш ва калавалаш корхонасида шартнома асосида уйда ип йигирувчилар сафи кескин ортди. Шунингдек, машинасозлик заводидаги электрод ишлаб чиқариш цехи, иссиқлик электр станцияси қошидаги икки гектарлик иссиқхона қурилишида кўпдан-кўп янги иш ўринлари очилганини кўрамиз.

Навоий чорвачиликка ҳам ихтисослашган вилоят. Яхши биламиз, сарҳадсиз Қизилқум ичкарисидаги Томди, Учқудуқ, Конимех ва Нурота туманлари вилоят марказидан 200-300 километр узоқликда. Ушбу туманлар овул ҳамда ўтовларига енгил саноатни олиб кириш, иш билан бандликни тўла таъминлаш ниҳоятда мушкул. Ана шундан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлиги чўл туманларида касаначиликни муттасил ривожлантириш, иложи борича ҳар бир чўпон оиласида у ёки бу ихтисосликка эга бўлган шартномачи-касаначи бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқда. Бу ўринда, айниқса, Учқудуқ ва Томди туманларидаги саъй-ҳаракатлар диққатга сазовордир. Ҳозирги вақтда Учқудуқ тумани ширкат хўжаликлари ва корхоналарида шартномага эга 500 нафар касаначи фаолият кўрсатмоқда. Томдибулоқда улар сони 700 нафардан ошиб кетди. Биргина Жабай Балиманов номли ёки «Томди», «Оёққудуқ» ширкат хўжаликларида ташкил этилган кўплаб оилавий касаначиларнинг ўзи ҳозиргача чўпончўлиқларга 5 миллион сўмликдан зиёд қишки иссиқ кийим-кечаклар, пахталик чакмонлар тикиб беришди. Худди шундай Конимех туманининг Абай Кунанбаев номли, «Сарибел», «Чордара», «Қароқота» ширкат хўжаликларида ҳам қўйчивонлар учун қишки кийимлар тайёрлаш, маҳаллий қўй жунидан зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган.

— Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Юртбошимиз аҳоли турмуш тарзини янада юксалтиришда, иқтисодиётни бундан-да ўнглашда якка тартибда иш юритишнинг, касаначиликнинг ўрни беқиёс эканини алоҳида таъкидлади, — дейди Карманадаги «Дўстлик» агрофирмаси директори Расулжон Хусенов. — Хўжалигимизда бу соҳа кенг ривожланган, 127 киши касаначиликдан даромад топаяпти. Ўтган йили бу тармоқ агрофирмамизга 75 миллион сўмлик даромад келтирди. Шунинг 20 миллион сўми соф фойдадир. 15 гектарлик теракзордан олинган ёғочлардан турли хилдаги яшик ва саватлар тайёрланаяпти, турли мева ва узум консервалари учун бежирим қоғоз ёрлиқлар ясаш, ишчилар учун махсус кийим-кечак тикиш ишлари режа асосида олиб борилаяпти. Жорий йилда жами касаначиларимиз сонини 160 нафарга етказмоқчимиз. Чунки халқаро аэропортга, Эркин иқтисодий индустриал зонага жуда яқин бўлганимиз боис, бу ердаги ишчилардан ҳам у ёки бу маҳсулотимизга талаблар тушаяпти.

Агрофирманинг Раҳмат Юлдузов, Дилбар Юлдузова, Замира Раҳмонова, Сабоҳат Олимова каби ўнлаб касаначилари ўтган қисқа давр мобайнида қарийб 12 миллион сўмлик иш бажариб қўйишди. Демак, соҳани янада ривожлантириш учун хотин-қизларни ишга кўпроқ жалб этиш керак. Корхона раҳбарияти бу йил, айниқса, ҳудуд ёшларини касаначиликка кўпроқ жалб этиш устида изланаяпти. Улар сони қанча кўп бўлса, маҳсулот тури ҳам шу қадар ортади.

Ҳудуд аҳолисининг бандлик кўрсаткичлари қанча юқори бўлса, оилалар шунча фаровон ҳаёт кечиради. Одамларнинг эртанги кунга ишончи ошади.

Муззаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Академик Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Атоқли физик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаев шу йил 7 февраль куни 74 ёшида вафот этди.

П.Ҳабибуллаев 1936 йилда Андижон вилоятининг Асака туманида туғилди. 1960 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тугатди, 1964 йилда номзодлик, 1972 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У 1973 йилда профессор унвонига сазовор бўлди, 1984 йилда эса Ўзбекистон Фанлар академияси аъзолигига сайланди.

1963 йили Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети)да катта ўқитувчи сифатида иш бошлаган П.Ҳабибуллаев қарийб 50 йил давомида самарали илмий-педагогик фаолият олиб борди. У Тошкент давлат педагогика институти кафедра мудири, Андижон пахтачилик институти ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти директори, Фанлар академияси вице-президенти ва президенти, Фан ва техника давлат қўмитаси раиси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази директори ҳамда Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими раҳбари каби лавозимларда хизмат қилди.

П.Ҳабибуллаев давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Олий Кенгаши Президиуми раиси, Ўзбекистон Олий Кенгашининг Халқаро ишлар қўмитаси раиси сингари масъул вазифаларда фаолият кўрсатди.

Атоқли олимнинг физика соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган 500 дан ортиқ мақоласи, 30 га яқин монографияси мамлакатимиз илм-фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

П.Ҳабибуллаев жонкуяр устоз сифатида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодларини тайёрлашга бевосита раҳбарлик қилди.

Академик П.Ҳабибуллаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига, «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» фахрий унвони ва «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлган эди.

Йирик олим, истеъдодли илм-фан ташкилотчиси, меҳрибон устоз Пўлат Ҳабибуллаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ,
И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Э.ЗОҲИДОВ, А.АРИПОВ,
Ш.СОЛИҲОВ, М.САЛОҲИДДИНОВ

Табиатнинг «сийлови»

одамларга қимматга тушмоқда

Қиш мавсумида «тизза бўйи қор ёғди», деган гапни кўп эшитганмиз. Лекин одам бўйи қор ёққанини кўрганмисиз?.. Бугун қатор мамлакатларда қор қалинлиги ундан ҳам ошиб кетди...

Японияниинг «NHK» телекомпанияси хабар беришича, Япония ғарбий қирғоғи шимолига кучли шамол аралаш қор бўронининг ёпирилиши оқибатида ўнлаб авиапарвозлар бекор қилинди, поездлар қатнови эса жадвалдан чиқиб кетди. Масалан, Ниигата аэропортида 35 та парвоз кейинга қолдирилган бўлса, «Синкансэн» тез юрар электропоезди белгиланган тезлигини бир неча баробарга камайтиришга мажбур бўлмоқда ва натижада манзилга жуда кечикиб бормоқда. Аэропортнинг учиш-қўниш майдонини тозалашга улгуриб бўлмаяпти.

Қор бўрони шамолининг тезлиги сонияда 30 метрга етмоқда. Ниигата ва Фукусима музофотларида қор қалинлиги 2,3 — 2,9 метрга етиб қолди. Гумма ва Нагано музофотларида эса 1 метрдан ошиб кетди. Транспорт қатновида муаммолар юзага келмоқда.

Худди шундай вазият Вашингтонда ҳам кузатилмоқда. Биргина шанба кунининг ўзида 70 сантиметр қалинликда қор ёғди. Бу кузатув олиб борилаётган йиллардаги энг рекорд кўрсаткичдир. Бу ерда ҳам шамолнинг тезлиги кучайиб бормоқда ва у авиақатновлар, поездлар ҳаракати ҳамда транспорт фаолиятида узилишларни юзага келтирмоқда.

«Associated Press» АА маълумотларига қараганда, шаҳар маъмурияти фуқароларни уйдан чиқмасликка чақирмоқда. Йўл хизмати ходимлари эса йўлларни қордан тозалашга улгуролмаяпти.

Ушбу қор бўрони содир бўлиши ҳақида об-ҳавони кузатиш хизмати одамларни олдиндан огоҳлантиргани боис озиқ-овқат дўконлари бўшаб қолган. Ҳамма озиқ-овқатни захираси билан ғамлаб олган. Ҳатто дўконларда белкураклар ҳам қолмади.

Табиат тилсимотини қарангки, АҚШда қор бўронлари авжга чиқаётган бўлса, қўшни давлат Мексикада кучли жала қуйиши оқибатида сув тошқинлари юзага келмоқда. Кейинги уч кун давомида тинимсиз ёққан ёмғир 20 кишининг ёстиғини қуритди. Мичоакан ва Мехико штатларида юзага келган сув тошқинлари бир неча минглаб оилаларни бошпанасиз қолдирди. Дарёлар ўзанларига сиғмаяпти, ҳатто сув омборларидан ҳам тошиб кетмоқда. Кўчалар, йўллар ва кўприклар бузилган. Айниқса, Мичоакан штати энг кўп талафот кўрди.

Мамлакат президенти Фелипе Кальдерон офат юз берган ҳудудларга ташриф буюриб, офатдан жабр кўрган 20 минг кишига тезкорлик билан ёрдам кўрсатиш чораларини мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини уқтирди. Ҳозир армия бўлинмалари ёрдамга келган. Айрим муниципал ҳудудларда эса фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Алимбек ТОШБЕК
тайёрлади.

Қинғир иш

Давлат ҳисобидан «ҳотамтойлик»

Қўли очиқ, бировга беғараз ёрдам қилувчиларни халқимиз сахий дейди. Ҳақиқатан, саховатли инсонларни ҳар қанча мақтаса арзийди.

Бекобод туман ижтимоий таъминот бўлимида ишловчи Акмал Исломов, Шерзод Раҳматов ва Бахтиёр Олимов агар ўз ҳисобидан пенсионерларга пул берганида, уларни ҳам саховатли инсонлар қаторига қўшса бўлар эди. Лекин улар давлат ҳамёни ҳисобидан «ҳотамтойлик» қилишган.

Бекобод туман ижтимоий таъминот бўлими пенсия тайинлаш бўйича мутахассиси Акмал Исломов пенсия ва ижтимоий нафақа ишларини расмийлаштириш, тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри ва асослигини текшириши зарур эди. Аммо у мансабга совуққонлик билан қараб, пенсия ва нафақа тайинлаш комиссиясининг қарорига биноан тақдим этилган ҳужжатларнинг асослигини текширмаган. У маълумотларни давлат архиви ва ташкилотларга сўровнома юбориб ёки жойига чиқиб текшириши лозим бўлса-да, ўз вазифасига лоқайд қараган. Бунинг оқибатида Бекобод тумани собиқ «Далварзин» ширкат хўжалигида туғилган Муҳаббат Сулаймоновага нотўғри пенсия тайинлаган. Бундан ташқари, Акмал Исломовнинг совуққонлиги

Шерзод Раҳмоновнинг «саховати» туфайли давлат манфаатларига 1.249.021 сўм зарар етган. Унинг хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо берилди.

туфайли шу туманда яшовчи А.Раҳимов, О.Оққулова, Х.Бўриева, Т.Ҳамроқулова сингари кўплаб фуқароларга ҳам ортиқча пенсия тўланган. «Кетса менинг чўнтагимдан кетаётгани йўқ-ку», деб ўйлаган Акмал Исломов қонун олдида жавоб берди.

Худди шунингдек, унинг ҳамкасби Шерзод Раҳмоновнинг «саховати» туфайли давлат манфаатларига 1.249.021 сўм зарар етган. Унинг хатти-ҳаракатлари ҳам қонуний баҳо олди.

Пенсия жамғармаси маблағларининг ортиқча сарфланишига йўл қўйганлардан яна бири Бахтиёр Олимовдир. Масъул мутахассиснинг лоқайдлиги ва ўз вазифасига масъулиятсизларча муносабати натижасида давлат бюджетидан қарийб бир миллион уч юз минг сўм ортиқча сарфланган.

Бурчга садоқат улуғ нарса. Унга нисбатан совуққон муносабатда бўлиш асло мумкин эмас. Айниқса, давлат хазинаси билан боғлиқ ишларда янада масъулиятли бўлиш талаб қилинади. Акс ҳолда қонун олдида жавоб беришга тўғри келади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Жиззах вилояти Арнасой туманидаги Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида талабаларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилган. Шунингдек, коллеж ахборот-ресурс маркази ён-атрофдаги қишлоқ ва маҳаллалар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Умар Рахмонкулов (ЎзА) олган сурат

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Буюртмачи: 2-сонли Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси (Андижон шаҳри, Н.Охунжонов кўчаси, 35-уй. Тел: 224-47-24, 224-54-82).

1.Булоқбоши туманидаги Жўра-Полвон насос станцияси қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 1 996 843 000 сўм.

Шундан 2010 йилга ажратилган маблағ — 488 000 000 сўм

Ишларни тугаллаш муддати — 11 ой.

2.Андижон туманидаги О.Юнусов каналини реконструкция қилиш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 1 196 314 000 сўм.

Шундан 2010 йилга ажратилган маблағ — 427 629 000 сўм.

Ишларни тугаллаш муддати — 12 ой.

Қурилиш ишларини молиялаштириш: **Буюртмачига ажратилган Давлат бюджети маблағ ҳисобидан амалга оширилади.**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқароликмуомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Андижон ш. Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй, тел/факс 224-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик тадқиқотчиси марҳум академик Ботурхон Валихўжаев бутун ҳаётини Алишер Навоий ижоди талқинига бағишлади. Фидойи олим Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида талабаларга сабоқ бериш билан бирга неча юзлаб мақолалар, ўқув қўлланмалари, монографиялар яратди.

Ботурхон Валихўжаевнинг «Хамсачилик анъанасининг баъзи хусусиятлари ҳақида», «Навоий лирикасининг ўрганилиши», «Навоий ва Шайхимбек Суҳайлий», «Ўзбек эпик поэзиясида Алишер Навоий анъаналари», «Навоий ва унинг издошлари талқинида туюқ», «Навоийнинг шеърий миниатюралар яратишдаги маҳорати», «Навоий ва Амир Шоҳий» каби илмий асарлари шулар жумласидандир. Заҳматкаш олимнинг бу борадаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» ҳамда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган.

Олимнинг «Навоийнинг мўътабар дастхат девони», «Навоийнинг ўз қўлёзма девони» мақолаларида ҳам ноёб фикрлар, нодир маълумотлар бор.

Биз қуйида олимнинг «Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари» мақоласидан парча эълон қилмоқдамиз.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий Самарқанд шаҳрига 1465-1469, яъни 24-25 ёшида ташриф буюрган эди. Бу даврда Алишер Навоий ўзининг шоирлик маҳорати билан Хуросон ва Мовароуннаҳрда танилган эди. Бу ҳолни унинг Машҳаддалиги вақтида шоир Турбатий билан мулоқотидан ҳам; **«халойиқ аросида минг байт-икки минг байт ортуқроқ-уксукракким, ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлиб эрди»**, билиш мумкин. Бас шундай экан, шоирни Самарқандга келишга нима мажбур қилди?

Бизнингча, бу табиий ҳолатдир. Чунки бундан сал олдин у бир неча муддат Машҳадда бўлган эди. Аммо довруғи кетган Самарқанд ва унинг илмий-адабий муҳити, Мирзо Улуғбек ва унинг шуҳрати, Амир Темур салтанати пойтахтини кўриш албатта, унинг кўнглида бор эди. Бунинг устига хожа Фазлуллоҳ Абулайсий каби аълам ул-уламолардан баҳраманд бўлиш учун Навоий пайт пойларди. Агар бу вақтда Самарқанд ҳокими сифатида ўн йил Ҳирот ҳокими бўлиб ишлаган «сурати хўш, сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атрофи писандида... таъби бағоят хуб ...назмга кўп илтифот» қилувчи соҳибдевон Вафоий тахаллусли Аҳмад Ҳожибек эканлиги ва у билан Навоий Ҳиротда таниш бўлгани, Навоийнинг унга ҳадди сиғажаги ва Аҳмад Ҳожибек уни яхши кутиб олажаги эътиборга олинса, унда Навоийнинг Самарқандни танлагани бежиз эмаслиги маълум бўлади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Мир Алишер Навоий Ҳиридин Самарқандға келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди» ва «неча йилким Самарқандта эди, Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эди», деб ёзганларини ҳам шундай тушунмоқ мумкин.

Шундай қилиб, у Самарқандни танлади ва бу ерга келиб, Аҳмад Ҳожибек Вафоий паноҳи ва мураббийлигида яшай бошлади. Агар ўша даврнинг удуми эътиборга олинса, яъни шаҳрга келган машҳур кишиларнинг мадраса ҳужраларида кўнганлари ва яшаганлари (жумладан, машҳур Сайид Қосим Анвор 1428 йилда Самарқандга келганида Амир Шоҳмалик мадрасасида, Абдурраҳмон Жомий эса 1436-1451 йиллар ва кейин ҳам Улуғбек мадрасаси ҳужрасида, хожа Убайдуллоҳ хожа Аҳрори Вали эса 1427-1428 йилларда мавлоно Қутбиддин садр мадрасаси ҳужрасида) эътиборга олинса, унда Алишер Навоийнинг аълам ул-уламо хожа Фазлуллоҳ Абулайсийдан сабоқ олиш нияти борлигини билган Аҳмад Ҳожибек унинг Абулайсийнинг хонақоҳидан ҳужра олишига кўмаклашган кўринади. Шу тарзда Навоий ўша даврларда ислом жорий этилган ўлкаларда машҳур бўлган Абулайсийлар хонадонига кириб бориб, унинг азиз фарзандларидан бирига айланди. Навоий қўнган Абулайсийлар хонақоҳи Самарқандниг машҳур ҳуқуқшунос олими фақеҳ Абулайс номи билан аталадиган қадимги гузарида жойлашган бўлиб, бу гузар ҳозирги кунда ҳам бор ва Абулайс номи билан аталиб келинмоқда.

Абулайсийлар хонадонининг асосчиси Абулайс ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандий бўлиб, у X асрнинг иккинчи ярмида туғилиб, 985-1003 йиллар орасида вафот этган ва қабри унинг номи билан юритиладиган гузардадир. Абулайс ҳуқуқшуносликфиқҳ илмида донишманд бўлганлиги сабабли маълум вақт Самарқанд шайх ул-исломи вазифасини ҳам бажарган.

Алишер Навоий ана шу аллома қошида икки йил ҳуқуқшунослик, араб тили ва адабиёти, шеършуносликдан сабоқ олди. Шундай қилиб, Навоий Абулайсийларнинг машҳур вакили хожа Фазлуллоҳ Абулайсийнинг қобилиятли шогирди — фарзанди бўлди. Худди шу вақтда устоз раҳбарлигида араб тилини янада мукаммал ўрганиш жараёнида Алишер Навоий араб тилининг турли изоҳли луғатларини қараб чиқди ва шунинг маҳсули бўлса керак, ўзининг тилшуносликда яқинда маълум этилган «Сабъату абҳур» номли араб тили изоҳли луғатини тузган кўринади. Бас шундай экан, устоз қошида икки йил сабоқ олишнинг амалий натижаси сифатида юзага чиққан бу асар Навоийнинг Самарқанддаги таҳсили даврининг маҳсули бўлганлиги жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга.

Алишер Навоий ўша даврда Самарқандда мавжуд бўлган кўпгина мадрасаларни кўрди, уларда дарс айтувчи алломалардан баҳраманд бўлди, у мадрасалардаги қобилиятли толиби илмлар билан ҳам танишди.

Шунинг натижасида Алишер Навоий Улуғбек мадрасасининг мударрисларидан Аълойи Шоший, Мирзо Улуғбек ва Қозизода Румийлар таълимини олган Муҳаммад Олим Самарқандий, мавлоно Хожа Хурдлардан ҳам сабоқ олди; фалакиёт илми соҳасида қўлга киритилган илмий кашфиётлар ва уларнинг яратувчиларидан бўлмиш мавлоно Али Қушчилар билан танишгани, учрашгани табиий: Аҳмад Ҳожибек Вафоий қурдирган мадраса, мавлоно Қутбиддин садр мадрасаси, Амир Шоҳмалик мадрасаси, Фирузшоҳ мадрасаси, Бибихоним мадрасаларида таълим олувчи толиби илмлар билан танишди, уларнинг илмий баҳсларида қатнашди. Шунинг билан бирга, Навоий Самарқандниг ўша даврдаги адабий муҳити вакиллари Аҳмад Ҳожибек Вафоий, Ҳаримий Қаландар, мавлоно Мир Қарший, Жавҳарий, Ховарий, Риёзий, Сафоий, Юсуф Бадий, мирзо Ҳожи Суғдий, Мирзобек каби турли касб, ижтимоий гуруҳга мансуб шоиру адиблар билан яқин ижодий муносабатда бўлди, уларнинг мушояраларида қатнашди, турли жанрдаги шеърларни битди.

Навоий икки йил хожа Фазлуллоҳ Абулайсий қошида сабоқ олгач (бу тахминан 1465-1467 йилларга мос келади), хожа Фазлуллоҳ Абулайсий оламдан ўтган кўринади. Чунки Навоий унинг вафоти ва қабри ҳақида жуда аниқ воқеани шоҳиди сифатида шундай ёзади: «Хожа Самарқандда тангри таоло раҳматига борди ва ўз хонақоҳида жаддининг гунбазида мадфундур».

Шундай қилиб, Алишер Навоий 1465-1466-1469 йиллар давомида Самарқандда умр кечирди. Бу даврда у Абулайсийлар хонадонининг атоқли вакили аълами уламо хожа Фазлуллоҳ Абулайсийдан икки йил сабоқ олди, Самарқанд илмий-адабий муҳити билан танишди, хожа Убайдуллоҳ-Хожа Аҳрори Вали суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, ижод ва яратиш билан шуғулланди. Навоий Самарқанддан қанчалик баҳраманд бўлган бўлса, ўша вақтдаги олиму шоирлар ҳам ундан ортиқроқ мамнун эдилар.

Миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси

Биз уларнинг навоийшуносликдаги илмий янгиликлар, шоир ижодининг айрим қирралари, жаҳон ва замонавий ўзбек адабиёти ривожидаги аҳамияти ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик:

Суйима Ғаниева, филология фанлари доктори, профессор:

— Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлаб ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган мазкур анжуманнинг илк бор ташкил қилинишида Ғафур Ғулом раислик қилган эди. Ўшанда домла, биз Навоийни фақат унинг ўзи билан эмас, балки ўша даврдаги муҳит, ҳазратнинг замондошлари билан биргаликда ўрганайлик, деган эди. Зеро, Навоий ўзидан аввал ўтган зотлар ва ўз замондошларининг ҳаёти, илм-фаннинг барча соҳаларига доир асарларидан яхши бохабар бўлган. Шу маънода, бугун «Мавлоно Лутфий Навоий нигоҳида» номли маърузам билан иштирок этмоқдаман. Аввало шуни таъкидлаш керакки, бу икки зотнинг етук мутаффаккир бўлиб етишишида уларнинг бир-бирига бўлган адабий таъсири ҳам муҳим ўрин тутган.

Айниқса, Алишер Навоий ижодида ўнтагина мухаммас мавжуд бўлиб, шундан учтаси Лутфий шеъриятига боғланганлиги мени лол қолдирган. Навоий уларга нафақат мухаммас боғлаган, балки имкон қадар «Малик ул-каломм» ғазалларининг мукаммаллашувига, фикрларини янада кенгайтириб, бадиий жиҳатдан юксалтиришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, бу иккала шоирнинг, санъаткорнинг қалби, фикри бир-бирига яқин бўлганлигини ҳам кўриш мумкин. Чунончи, Мавлоно Лутфий ғазалларидан бирида маҳбубага кўз қорачиғимни ватан айла, деган маъноли матлаъ бор.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу ашъорни Алишер Навоийнинг машҳур, ўз давридаёқ маҚом йўлларида ижро этилган «Қаро кўзим келу мардумлиғ эмди фан қилғил...» ғазалига қиёсласак, айнан мана шу яқинликни кузатиш мумкин.

Зиёдулла Ҳамидов, филология фанлари номзоди:

— Бугун, Алишер Навоий асарларини тадқиқ этиш, ўрганиш борасида тилшунослик соҳасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда, доцент Муҳаббат Холбоева билан ҳаммуаллифликда «Алишер Навоийнинг синонимлардан фойдаланиш маҳорати» номли рисоламиз чоп этилди.

Узоқ Жўрақулов, филология фанлари номзоди:

— Навоий ижоди мисли бир уммон. Бу уммонни асрлар давомида ўрганмайлик, тубига тушиб

XXI аср нафақат ўзбек адабий-илмий жараёнида, балки жаҳон адабий саҳнаси доирасида ҳам Навоий шахсиятини англаш, тушуниш ва талқин қилиш асри бўлади.



маъно дурларини, баъдият гавҳарларини термайлик, унинг сатҳи пасаймайди. Зеро, кейинги йилларда Навоий даҳосининг буюклигини, инсонпарварлигини, бадиий оламининг чексизлигини, ҳудудсизлигини янада теранроқ ҳис қилмоқдамиз. Тўла ишонч билан айтишим мумкинки, XXI аср нафақат ўзбек адабий-илмий жараёнида, балки жаҳон адабий саҳнаси доирасида ҳам Навоий шахсиятини англаш, тушуниш ва талқин қилиш асри бўлади.

Ушбу анжуманда иккинчи бор иштирок этишим. Бу сафар «Лайли ва Мажнун» достонида трагик вазият хронотопи мавзуида маъруза қилдим.

Дилнавоз Юсупова, филология фанлари номзоди:

— Ҳазрат ҳали тириклик пайтидаёқ унинг асарларига изоҳли луғат ишланган. Бунга сабаб, ҳазрат асарларидаги 26 мингдан иборат жуда катта сўз бойлиги, ундаги маъно ва теран фалсафий фикрларнинг чуқурлигидир. Бинобарин, биз Навоий ғазалларини ўқир эканмиз, уларни бир неча хил ҳолатда талқин қилишимиз, бир неча маъноларни олишимиз мумкин. Ҳатто, ошиқона ғазалларида ҳам биз ижтимоий масалаларни — ҳаёт, замон, давр ҳамда беқиёс маънавиятни кўрамиз.

Ҳозирда Навоий асарлари луғатини яратиш борасида изланишлар давом эттирилмоқда. Кўп жилдлик «Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи»нинг буюк аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус жилди тайёрланди.

Ҳасан Қудратуллаев, филология фанлари доктори:

— Алишер Навоий даҳоси фақат «Хамса», девон, достонлар яратмаган. Унинг буюк хизматларидан яна бири шогирдларварлигидир. Ўша пайтдаги тарихий асарларни кўздан кечирадиган бўлсак, Ҳиротнинг ўзида 4640 та адиб фаолият кўрсатган. Бундай ҳолат инсоният тарихида кам учрайди. Уларнинг аксари Навоийнинг тарбиясини олганлиги юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Қодиржон Эргашев, филология фанлари номзоди:

Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки,
иш эрур ёрлиғ иш.

— Ушбу мисралар пойтахтимиз марказида савлат тўкиб турган Навоий бобомиз ҳайкали гумбазига ёзиб қўйилган. Биргина мана шу байт мисолида биз Навоий ижодининг аҳамиятини, ижодининг буюк қудратини ҳис қилишимиз мумкин. Ҳазрат ўзининг лирик ҳамда насрий асарларида ўз даврининг энг илғор — инсонпарварлик, адолат, тинчлик ғояларини илгари суради. У бугун бутун башарият маънавий меросига айланди.

Шунингдек, ушбу анжуманда Алишер Навоийнинг мамлакатимиз ва хорижда чоп этилган асарлари, навоийшунослик соҳасидаги янги китоблар намойиш этилди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

СПОРТ ↘ СПОРТ

Равшан Эрматов жаҳон чемпионатига боради



Шу йилнинг ёзида Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари ўтказилади. Унда ер куррасининг энг кучли ўттиз икки терма жамоаси медаллар учун кураш олиб боради.

Куни кеча испаниялик Анхель Мария Вильяр Льон раҳбарлигидаги ФИФА ҳакамлар қўмитаси ЖАРда ўтадиган жаҳон чемпионатини бошқарувчи ҳакамлар бригадасини тасдиқлади. Унга кўра, 28 та давлатдан 30 нафар бош ҳакам жами 64 та учрашувни бошқаришади.

Эътиборлиси, футболимиз тарихида илк маротаба ўзбек ҳаками тошкентлик Равшан Эрматов мундиал учрашувларида бош ҳакамлик қилади. Кетма-кет икки бор, яъни 2008-2009 йилларда Осиёнинг «Энг яхши ҳаками», деб эътироф этилган ҳамюртимиз катта футбол байрамида мустақил Ўзбекистон номидан майдонга чиқади. Ўттиз уч ёшли бу мутахассисга учрашувларда лайнсменлар ҳамюртимиз Рафаэль Илёсов ва қирғизистонлик Баҳодир Кўчқоровлар кўмаклашадиган бўлди.

ФИФА 11 июнь куни бошланадиган жаҳон чемпионатига танланган ҳакамларнинг барчаси аъло формада бўлиши учун комплекс дастурни амалга оширишини эълон қилди. Энди 30 нафар ҳакамлар гуруҳи келгуси ойда ўтказиладиган ўқув-машғулот семинарларида иштирок этишади. Май ойида эса якуний баҳолаш ўтказилади ва мундиалнинг дастлабки ўйинларига ҳакамлар бригадаси тайинланади.

Европа чемпионатига қуръа ташланди

Якшанба куни Варшава шаҳрида 2012 йили футбол бўйича ўтадиган навбатдаги Европа чемпионатига қуръа ташланди. Мазкур чемпионатга Украина ҳамда Польша мамлакатлари мезбонлик қилади.

Қуръага кўра, «Кўҳна қитъа»нинг эллик бир терма жамоаси мусобақанинг финал босқичига бериладиган ўн тўртта йўлланма учун тўққиз гуруҳга бўлинган ҳолда баҳсларга киришадиган бўлди:

«A» гуруҳи: Германия, Туркия, Австрия, Бельгия, Қозоғистон, Озарбойжон.

«B» гуруҳи: Россия, Словакия, Ирландия, Македония, Арманистон, Андорра.

«C» гуруҳи: Италия, Сербия, Шимолий Ирландия, Словения, Эстония, Фарьер ороллари.

«D» гуруҳи: Франция, Руминия, Босния ва Герцеговина, Белоруссия, Албания, Люксембург.

«E» гуруҳи: Голландия, Швеция, Финляндия, Венгрия, Молдова, Сан-Марино.

«F» гуруҳи: Хорватия, Греция, Исроил, Латвия, Грузия, Мальта.

«G» гуруҳи: Англия, Швейцария, Болгария, Уэльс, Черногория.

«H» гуруҳи: Португалия, Дания, Норвегия, Кипр, Исландия.

«I» гуруҳи: Испания, Чехия, Шотландия, Литва, Лихтенштейн.

Мусобақа низомига мувофиқ, тўққизта гуруҳ ғолиби ва энг яхши кўрсаткичга эга бўлган битта иккинчи ўрин соҳиби қитъа чемпионатининг финал босқичига йўлланма олади. Қолган тўртта йўлланма соҳиби эса уйсафар тизимида ўтказиладиган «плей-офф» учрашувларидан сўнг маълум бўлади. Чемпионат мезбонлари — Польша ва Украина миллий терма жамоалари ҳал қилувчи баҳсларга курашларсиз қўшилишади.

Европа чемпионати саралаш учрашувлари шу йилнинг ноябрь ойига қадар давом этиши белгиланган.

Эркин Холбобо

Об-ҳаво



Тошкент —	-3°C
Самарқанд —	-1°C
Нукус —	-6°C
Қарши —	0°C
Урганч —	-6°C
Навоий —	-3°C
Фарғона —	-2°C
Бухоро —	-3°C
Андижон —	-2°C
Наманган —	-2°C
Термиз —	2°C
Жиззах —	-2°C
Сирдарё —	-2°C

Лондон —	+3°
Париж —	+3°
Москва —	-13
Пекин —	+1
Гонконг —	+21
Анқара —	+4
Токио —	+7
Стокгольм —	-2
Претория —	+28
Коҳира —	+21
Гавана —	+17
Вашингтон —	+4
Нью-Йорк —	+2

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 149
16201 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda